Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 3 сентябрь, шанба № 137 (21.741). Сотувда эркин нархда

ҚАБУЛЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

1 сентябрь куни шаҳримиз марказидаги қадимий ва кўркам бинода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Ўзбекистон раҳбари тадбирга тўпланган хорижий дипломатларни мамлакатимиз мустақиллиги байрами билан қутлади.

— Ўзига хос меъморий қиёфага эга бўлган бу бино бой тарихга эга,—деди юртбошимиз.— У 1890 йилда барпо этилган. Кўриб турганингиздек бино таъмирлардан сўнг янгича чирой касб этди. Эндиликда у халқаро учрашувлар масканига айланади.

Шундан сўнг Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва галдаги вазифалар ҳақида гапирди. Энг асосий вазифалар мамлакатда ва минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш эканлигини таъкидлади.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна чет эл дипломатлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сизни ва барча ўзбекистонликларни Америка халқи номидан табриклайман. Янги мамлакатингизнинг эркин, гуллаб-яшнаётган, демократик жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини Қўшма Штатлар қатъий қўллаб-қувватлайди. Бу мақсад буюк тарихингизга муносибдир. Иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлидан олға бориб, ҳам бизнес, ҳам ғоялар соҳасида эркин бозорни вужудга келтириш борасида ишлаб, ўзингиз ва фарзандларингиз учун порлоқ келажакни таъминлашга ёрдам бермоқдасиз.

Самимий ҳурмат билан,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, жаноби олийлари, самимий қутловларимни йўллашдан ҳамда шахсан ўзингизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига фаровонлик тилашдан мамнунман.

АКИХИТО,
Япония императори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига федерал кенгаш номидан самимий қутлов йўллаш, Сизга бахт-саодат ва мамлакатингизга фаровонлик тилаш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Отто ШТИХ,
Швейцария Конфедерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан Лаос Халқ Демократик Республикаси ҳукумати, Лаос халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар халқларимиз манфаати ҳамда дунёда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлида бундан буён ҳам ривожланаверишига ишончим комил.

Энг эзгу тилаклар ила,

Нухак ФУМСАВАНХ,
Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрамини нишонлаётган шу кунларда Сиз, жаноби олийларига бўлган эҳтиромимни изҳор этаман ҳамда Сизга, мамлакатингизга, ватандошларингизга бахт-саодат тилайман.

Халқингизга инсон шаъни, маънавий ва ахлоқий қадриятларни иззат-ҳурмат қилиш асосига қурилган бородарлик жамиятини барпо этиш йўлида улкан сабр-бардош ёр бўлсин.

Иоанн ПАВЕЛ II,
Рим папаси.
Ватикан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами кунида Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати Сиз, жаноби олийларига, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига самимий табрик йўллайди.

Ўзим эса, фурсатдан фойдаланиб, Сизга қизғин салом йўллайман ҳамда мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингизнинг янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашини тилайман.

Ал Ҳасан ибн ТАЛОЛ,
Иордания подшолиги регенти.

МОСКВАДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БАЙРАМИ

Истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси «Ватандош» кенгаши ҳамда «Россия—Ўзбекистон» жамияти билан ҳамкорликда Москвада мустақиллигимизнинг уч йиллигига бағишланган тадбир ўтказди.

Байрам муносабати билан Москванинг «Тошкент» кинотеатрида юзлаб ватандошларимиз, жамоатчилик вакиллари, талабалар йиғилдилар. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги муваққат ишлар вакили Ш. Шохалилов, «Ватандош» кенгаши раиси Ф. Хўжаев ва бошқалар бу қувончли кун билан йиғилганларни қутлаб, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб бердилар.

Ф. ПАРПИЕВ.
(ЎзА).

Каттақўрғон пахта тозалаш заводи янги ҳосилни қабул қилишга шай бўлиб турибди. Барча цехлар, техника воситалари таъмирланди. Корхона ўтган йилги ҳосилдан 32 минг тонна пахтани қайта ишлади. 6 минг тоннадан кўпроқ тола, минг тоннага яқин момиқ ва бошқа маҳсулот олинди. Маҳсулотнинг 80 фоизга яқини чет элга экспорт қилинаётгани Каттақўрғон пахта тозалаш заводининг салоҳиятини кўрсатиб турибди. Хуллас, завод бу йилги ҳосилни ҳам қабул қилишга шай.

Суратда: Лаборантлар Саодат Ҳамроқулова билан Туйғуной Худоёрова.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА:

1. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий Қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси лойиҳаси тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси тўғрисида.
6. «Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақида.
8. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Кенгаш ваколатига берилган бошқа масалалар ҳам киритилиши кутилмоқда.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАРБИЙЛАР СОНИ КАМАЙДИ

● **Буюк Британия ҳукумати ҳарбий қўшинлар сонини қисқартирмоқда.**

Жорий йилнинг 1 июлига қадар ўтган бир йил давомида ҳарбийлар сони 7 фоизга камайди. Бу тадбир ҳукуматнинг армияни босқичма-босқич қисқартиришга мўлжалланган кўп йиллик дастурига асосан амалга оширилмоқда.

ДЕКРЕТГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ

● **Аргентина Республикаси Президенти Карлос Менем мамлакатда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилингани ҳақидаги декретга имзо чекди.**

Энди республика қуролли кучлари сафига фақат кўнгиллилар чақирилади. Шу йилнинг 6 апрелида ёш ҳарбий хизматчи Омар Карраско «кекса» аскарлар томонидан ўлдирилганидан сўнг армиядаги тартибсизликлар ошкор этилди ва ҳукумат мазкур ислоҳотни амалга оширишга мажбур бўлди. Айни пайтда мамлакат парламенти ёлланма армия тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда.

ХИТОЙ РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

● **Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзянь Цзэминь Россия Федерациясига расмий ташриф билан келди.**

Олий даражадаги бу учрашувни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин «Дунё аҳамиятига молик воқеа» деб атади. Музокараларда икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро муаммоларга доир бир қанча масалалар муҳокама қилинади.

ИШБИЛАРМОНЛАР КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

● **Россия Федерациясининг Бурятия Республикасига Жанубий Кореялик ишбилармонлар ташриф буюрди.**

Улар республика Президенти Леонид Потапов билан учрашди. Музокараларда ўзаро иқтисодий алоқалар, жумладан, ўрмон саноати ва саёҳатчилик соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

МАҲФИЯГА ҚАРШИ КЕСКИН КУРАШ

● **Япония пойтахтидаги ресторанлар ва тунги емакхоналар шу кунларда полициячилар билан тўлиб-тошган.**

Чунки, Токио полициячилари Хитой махфиясига қарши жиддий курашга киришди. Тартибни сақлаш маҳкамасининг хабарига кўра, хитой миллатига мансуб уюшган жиноятчилар шафқатсизлиги ва арзимаган сабаб баҳонасида қотилликка қўл уриши билан маҳаллий махфиячилардан кескин ажралиб туради.

ЗОБИТЛАР КЎЧМОҚДА

● **РИГА. Ўзаро келишувга биноан Россиянинг бу ерда жойлашган сўнгги ҳарбий қисмлари 30 август куни Латвиядан олиб чиқилди.**

Скрунди шаҳрида эса радиолокация станциясигина қолди. Россия зобитларини уй-жой билан таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳозирда бор йўғи 1100 онлага уй берилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизга самимий ҳурматимни изҳор этиб, Сиз юборган совға — ғижжакни император саройи орқали Япония Валиаҳди Нарухито ҳазрати олийларига топширганимизни маълум қиламан.

Валиаҳд шаҳзода Нарухито Сизнинг эътиборингиз ва ҳайрихоҳлигингиздан жуда мамнун бўлгани ва мутахассис сифатида қадимий тарихий илдизга эга мазкур мусиқа асбобини юқори баҳолагани ҳақида хабар олдик.

Президент жаноблари, Валиаҳд Шаҳзода Нарухито бу қимматбаҳо халқ чолғу асбоби учун шахсан Сизга самимий миннатдорлик билдиришни илтимос қилиб, узоқ йиллар авайлаб асрамоқчи эканини айтди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга зўр ҳурматимни изҳор этаман ва чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,
Укеру МАГОСАКИ,
Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

• Эзгулик беиз кетмайди

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Биз республикамиз мустақиллигининг уч йиллик байрамини зўр шодиёналар билан нишонладик. Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғига бу улуғ айём ўзгача тароват бағишлади.

«Ўзбекистон Республикасининг аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги куни кеча имзоланган Фармон ҳам бугунги кунда халқимизни ўйлаб амалга оширилган энг муҳим ишларнинг биридир. У бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга молик. Кўпгина соҳа кишилари қатори унда кафолатланган ёрдамдан олий ўқув юртларининг талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, аспирантлар ва докторантлар ҳам четда қолмайдилар. Фармон боис республикамизда жорий этилаётган компенсация тўловлари элга мадор бўлади.

Фотима СОЛИЕВА,
Андижон Давлат дорилфунуни доценти, ЎзХДП аъзоси.

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Худога минг қатла шукурки, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон. Куни-кеча мустақиллигимизнинг уч йиллигини кенг нишонладик. Мустақил Ўзбекистонимиз Ҳамдўстлик давлатлари орасида барча соҳаларда олдинги ўринларни эгаллаб келаётгани, тўй-маракалардаги тўкин-сочинлик, инсонлар ўртасидаги якдиллик, биф-бирларига ғамхўрлик дилларга завқ-шавқ бағишламоқда.

Германия, Франция, Англия, Япония каби ривожланган давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ақлзаковати туфайли Ўзбекистон давлати билан дўстона амалий алоқалар ўрнатгани тарихий воқеалардандир.

Юртбошимиз қарияларимизнинг турмушига ғоятда катта эътибор бериб келяпти. Мен 1977 йил алоқа корхонасида иш бошлаган давримда энг кам нафақа миқдори атиги 20 сўмни ташкил этар эди. Урушда қатнашган фахрийлар эса 120 сўм нафақа билан кифояланарди, холос. Мустақиллик шарофати билан меҳнат фахрийсига май ойида 230 минг сўм-купон нафақа берилди! Уларнинг юзларидаги қувончда юртбошимизга ташаккур ифодаси яққол сезилиб турибди. Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида 100 сўм миқдорида ҳар ойлик компенсация тўловлари бериш белгиланганлиги дилларга яна қувонч бағишлади.

Халқимизда эл дуосидан улуғ нарса, йўқ, дейишади. Бу катта ғамхўрлик мустақиллигимиз келгусида ажойиб мевалар бериши, Ўзбекистонимиз келажакда буюк давлат бўлишига катта умид-ишончни янада мустаҳкамлайди.

Йўлдош РАҲИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги, Ўзбекистон ХДП аъзоси.

ҚАЛБАКИ ПУЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари республиканинг пул бозорини қалбаки долларлар ва Россия рубллари тўлдириб юборганини аниқладилар. Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кўп миқдорда турли қийматдаги қалбаки АҚШ долларлари муомалага киритилган. Диққат билан қаралганда, нусха кўчирувчи техника воситасида тайёрланган қалбаки пулларнинг заиф томонлари — айрим белгиларнинг босилмай қолгани, бўёқлар сифатининг пастлиги, босма белгиларининг ёйилиб кетгани сингари аломатлар кўзга ташланади. Қалбаки Америка долларларидаги расмлар одатда заиф, хира ишланган бўлиб, уларда айрим деталлар кўзга ташланмайди, шунингдек белгилар ёйилиб кетган бўлади.

Айни пайтда Марказий банк мутахассислари қалбаки пул тайёрловчи техника анча мукаммаллашгани туфайли сохта пулни аниқлашқийинлигини таъкидлашмоқда. Ҳозирги пайтда пулнинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун маълум кўникма ва катта қилиб кўрсатувчи асбоблар (лупа, микроскоп) зарур бўлади.

Республика ҳудудида ишлаб турган пул алмашув пунктлари турли қийматдаги пулларнинг ҳақиқийлигини аниқлай оладиган керакли жиҳозларга эга. Бу пунктларнинг жойлашган ўрни ҳақида шу йил 13 август куни республика газеталари саҳифасида маълумот берилган эди. Марказий банк республика фуқароларига эркин муомаладаги валютани сотиб олиш ва сотиш масалалари бўйича ана шу манзилларга мурожаат қилишни тавсия этади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• Алоқа хизмати

ТЕЗКОР ПУЛ ЎТКАЗИШ

● **САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Қадимий шаҳарда тезкор усулда пул ўтказиш хизмати йўлга қўйилди. Самарқанд марказий банки орқали бошқа вилоятлардаги банкларга пул кўчириш операцияси «электрпочта» ҳосияти билан уч кунда амалга оширилади ган бўлди.**

— Бундай тезкор пул ўтказиш дастурини бухоролик ҳамкасбларимиздан ўргандик, — дейди вилоят марказий банки бошқарувчиси Ж. Сайфиддинов. — Энди вилоят ичидаги жараёнларни бир кунда ниҳоясига етказмоқдамиз. Электрон ускуна барча ҳужжатларнинг тегишли нусхаларини кўчириб беради, ҳар бир банк аҳволидан хабардор қилиб туради.

Фармон ТОШЕВ.

• Бунёдкорлик

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

● **НУКУС (мухбиримиздан). Қорақалпоғистон меҳнаткашларга улуғ байрамни меҳнат зафарлари билан нишонлашди.**

— Истиқлол байрамига меҳнат зафарлари билан келдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қурилиш бўлими мудири Ж. Бердихонов.— Ўтган ойлар мобайнида 178 минг 915 кв. метр турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Якка тартибдаги уйлар қурилишига ҳам эътибор кучаймоқда. Шаҳар ва туманларда ҳар бири 1528 ўқувчига мўлжалланган 4 та мактаб, 95 ўринли болалар боғчаси, ҳар бири 50 ўринли иккита касалхона, 4 та поликлиника, Берунийда туғуриқхона, Шуманайда ҳаммом, Нукус тумани марказида эса бир кеча-кундузда 5 тоннагача маҳсулот чиқарадиган нонвойхона фойдаланишга топширилди.

Элликқаъла ва Тўрткўл шаҳарларида ҳар бири 3 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цехлар қурилди. Кегайлида 200 ўринли деҳқон бозори, Нукусда эса агробанк, саноатқурилиш банки каби бинолар қуриб битказилди. Хонадонларни газлаштиришга аҳамият берилмоқда. Жами 171,4 километр узунликда газ қувури ўтказилди. Водопровод қувурлари 52,5 километрга етди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

• Қадриятлар

ҲУНАРМАНДЛАР САЙЛИ

● **ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Марғилон ҳунармандлар шаҳри. Асрлардан буён сайиллар ўтказиб келишади. Унутилган анъаналар истиқлол шарофати билан яна тикланди.**

Шаҳар марказида учинчи марта ўтказилган ҳунармандлар сайли ўзига хос байрамга айланди. Юздан ортиқ хусусий ҳунармандчилик устахоналари, ўнлаб фабрикалар ва кичик корхоналарда тайёрланган бешик, пичоқ, мисгарлик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, манзарали чўян панжаралар, гиламдўзлик маҳсулотлари, сўзаналар ва дўппилар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Заргарлар ишлаган нозик ва бежирим зирак, балдоқ, узук каби тақинчоқлар диққатни тортади.

Алишер ИБОДИНОВ.

• Кичик корхоналар

ГИЛАМ ВА ҚИШЛОҚЛАР

● **БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳарда кичик корхона ва заводлар кўпаймоқда.**

Олот туманидаги Қирилшон қишлоғида гилам тўқиш цехи ишга туширилди. Қишлоқ ёшларидан ўндан зиёди иш билан таъминланди. Чўғдек гиламлар эса Олот қорақўлчилик ижара хўжалигидан олинаётган жунлар ҳисобига тайёрланяпти. Навоийдаги «Югпроммонтаж» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам байрамга муносиб совға тайёрлашди. Когонда сутни қайта ишлаш заводи қурилди. «Бухоро» жамоа хўжалиги ҳудудида қад растлаган бу корхона бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.

Корхонада сузма, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ каби етти турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Шу туманнинг «Ипакчилик» жамоа хўжалигидаги «Деҳчабеги» қишлоғи аҳолиси ҳам мамнун бўлиб қолди. Бу ерда 4 километрга қувур ётқизилиб, ичимлик суви келтирилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Партия ахбороти

«ҲУВАЙДО»-ЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши маҳаллаларда ҳудудий партия ташкилотларини тузишга эътиборни кучайтирмоқда. Негаки, маҳаллада яшовчи партия фаоллари ва аъзолари кўпроқ халқ орасида бўладилар. Улар орқали юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, эришилаётган ютуқларнинг маҳалла аҳлига, муҳими, ёшларимизга тўғри етиб боришига имконият туғилади.

Туманимизда партия аъзоларининг сони 2574 нафарга етди. Айниқса, «Ҳувайдо» маҳалласи партия ташкилотида ибратли ишлар амалга оширилябти. Туманда биринчилардан бўлиб тузилган ушбу ташкилотга йигирмадан ортиқ партия аъзоси уюшган. Ҳозир ХДПга хайрихоҳлар сони ортяпти.

Партияга турли касб эгаларининг аъзо бўлиши маҳаллада ҳар бир соҳада ижобий ўзгаришлар бўлишига имкон яратмоқда. Чунки, ҳар бир аъзога тегишли ишлар бўлиб берилган. Улар маҳалла ободончилиги, мактаб ва боғчалардаги аҳвол, ҳатто, транспорт қатновини назорат қилиб бориш учун жавобгардирлар.

Хуллас, маҳалла фаоллари ҳар бир ишни бажаришда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишяпти.

Ҳувайдолик партия фаолларининг ташаббусига «Янги шаҳар», «Белтепа», Қаҳрамонов номли, «Шодлик», «Чуқур кўприк», «Оқлон» маҳаллалари ҳам қўшилишди. Уларда ҳам партия аъзолари сафи, маҳалла иши учун жон куйдирадиган жамоатчи фаоллар кўпайиб бормоқда. Бу эса юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар сессиясида сўзлаган нутқида айтиб ўтилган муаммоларни енгишга кўмак беради.

Ҳамидулла ИУЛДОШЕВ,
«Ибн Сино» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби.

• *ХДП: Сиёсий ташкилот нуфузи*

ЧЎЛДАГИЛАР ШУНДАЙ БЎЛИШАДИ

Суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ховос тумани кенгашининг биринчи котиби Райимқул Мўминович Душаев. Кўпчилик уни билимдон мутахассис, фаол тарғиботчи, ташкилотчи раҳбар сифатида яхши билади. Ноҳақликка чидолмаслиги, юзхотирни билмаслиги, гап келганда отасини ҳам аямаслигини қадрлашади.

Мен Р. Душаев ҳақида ёзаётиб юртбошимизнинг «Элни деб, юртим деб ёниб яшаш керак», деган сўзларини бот-бот ёдга олдим. Чунки, бу сўзлар мустақил республикамизнинг айнан у сингари фуқаролари ҳақида эканлигига заррача шубҳам йўқ. Зеро, бурчни адо этиш, топширилган вазифага масъулият сезиш, иш учун фидойилик кўрсатиш бундан ортиқ бўлмас.

— Райимқул ака, шеърни яхши кўрасизми?
— Яхши кўрганда қандай?
— Насрничи?
— Ҳаммасиниям эмас.
— Нега?
— Одатда насрда ёзилган асарларнинг ҳажми катта бўлади. Уни ўқишга эса вақт йўқ.
— Телекўрсатувларнинг ҳаммасини кўриб борасизми?
— Танлаб кўраман.
— Нега?
— Вақт йўқ.
— Кечирасиз, «вақт йўқ», деган сўзингизнинг маъносини кенгроқ изоҳлаш мумкинми?

— Албатта, эшитинг. Пилла тайёрлаш ва топширишни партия ўз оталиғига олганди. Шу иш билан шуғулланиш керакмиди, керак эди. Демак, пиллакорлар шаънига айтилган мақтов сўзлари ва айни чоғда танқидий фикрлар бизга ҳам тааллуқли бўлди. Кези келганда шуни айтиб ўтай. Туманимиз бу соҳадаги режасини анча ошириб уддалади. Лекин айрим тоғолди қишлоқларимиз марказдан юз чақирим узоқликда жойлашган. Ваҳолонки, пиллакорларнинг асосий қисми ўша қишлоқларда эди. У ерга боришга, уйма-ўй юриб, пилла тайёрлашнинг аҳволини кўришга, керак бўлса амалий ёрдам кўрсатишга тўғри келди... Хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ.

Чорва ҳам партия оталиғида. Бу соҳанинг сертармоқлиги ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Туманимиз ғаллачиликка ихтисослашган. Шундай экан, бу тармоқ ҳам партияга ўгай ҳисобланмайди. Пахтанинг қанчалик муҳим эканлигини айтиб ўтирмай. Айниқса, ғўза парвариши, ҳосил йиғим-терими пайтида партия ташкилотлари белгилаган тадбирларнинг бажарилишида партия аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди.

Ўзимизнинг асосий ишимиз-чи? Уни ўз ҳолига ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бундан ташқари, туман ва шаҳардаги барча каттакичик тадбирлар бизсиз ўтмайди. Уларни асосан ё ўзимиз ташкил қиламиз ё бўлмаса, унинг энг оғир томонини гарданимизга оламиз.

— Вақт масаласи «ҳал этилди», десак бўлаверади. Энди ўзингиз ҳақингизда...

— Одам ўзи ҳақида гапириши бироз ноқулай. Майли, сўрадингиз, айтай. 1953 йилда туғилганман. Маълумотим олий. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатганман. Мутахассислигим — агроном-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятимни ўзим туғилиб ўсган қишлоқдаги 5-мактабда лаборантликдан бошлаганман. Институтда ўқидим. Сўнг ўзимизнинг хўжаликда (ҳозир Бобур номли ширкатлар уюшмаси) иқтисодчилик қилдим. 1978 йилдан бошлаб партия ишида бўлдим. 1991 йилдан бери Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиби вазифасида ишлаб келяпман.

— Энди айтинг-чи, туман партия кенгаши кейинги пайтда иш йўналишини нималарга қаратмоқда?

— Биз туман ҳокимлиги, қолаверса, Ширин шаҳар ҳокимлиги билан мустаҳкам алоқада бўлиб, партия аъзоларининг фаолиятини туман иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашишга йўналтиряпмиз, шу ишни бош вазифа қилиб белгилаганмиз. Бундан ташқари туман ва шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини узлуксиз иш билан таъминлаш мақсадида иш жойларини ташкил қилиш, кўпроқ ўзимизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда иштирок этяпмиз.

Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишида ҳар бир партия аъзосининг ҳиссаси бўлиши учун курашмоқдамиз. Партия ташкилотлари аҳолига ҳозирги сиёсатни чуқурроқ тушунтириш учун бор имкониятларини ишга соляпти. Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш борасида омма билан ишлашнинг янгича шакл ва услубларидан фойдаланяпмиз.

— Туманда бошқа снёсий партиялар ҳам бор. Сиз етакчилик қилаётган партия кенгашининг обрўси ва бошқа партиялар билан муносабати ҳақида гапириб бersангиз?

— Агар эътироз билдирмасангиз, жавобни саволингизнинг иккинчи қисмидан бошласам. Биз бошқа партиялар билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз. Қани эди, туман ва шаҳар бўйича ўтказилаётган бирор тадбирнинг бир четини улар, бир четини биз кўтарсак. Лекин ҳамиша ўйлаган нарсанг рўёбга чиқавермас экан.

Энди партиямизнинг обрўсига келсак, шуни айтиш мумкинки, ўтган йили партия аъзоларимизнинг сони 1000 га яқин эди. Шу йилнинг биринчи ярмига келиб бу кўрсаткич 1200 нафарга етди. Ариза берганлар ҳали талайгина. Ширин шаҳрида 10 та бошланғич партия ташкилотини ўзида бириктирган ҳудудий партия ташкилоти туздик. Туманнинг юқори қисмида, Баландчақир минтақасида худди шундай ҳудудий партия ташкилотини тузишга киришдик. Буларнинг ҳаммасига партия ўз обрў-эътибори билан эришяпти.

Туман, шаҳар ҳудудларидаги корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларининг аксарияти ХДП аъзолари. Бу ҳам партиянинг омма ўртасидаги таъсирчанлигини ошириб, мавқеини мустаҳкамламоқда.

Туман партия ташкилоти учун анъанага айланиб қолган меҳр-шафқат тадбирларини олиб кўрайлик...

— Бу ҳақда менинг алоҳида саволим бор. Малол келмаса, бу масалага сал кейинроқ қайтсак?

— Келишдик. Бўлмаса, партия ташкилотлари маҳаллий сайловларга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганликлари ва депутатларнинг асосий қисми ХДП аъзоларидан бўлиши учун ҳаракат қилаётганликларини айтай. Ахир партиямиз бундай имкониятни қўлдан бой бермаслиги керак-да. Бунинг учун биз катта тайёргарлик кўрдик. ХДП аъзолари жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир аъзо бу борада аниқ дастурга эга. Ишончим комилки, бу саъйи ҳаракатларимиз бесамар кетмайди.

Ўтган йилнинг охирида биз туман кенгашимиз ижроия бюросида туман ва шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида партия аъзоларининг вазифаларини кенг муҳокама қилдик. Қабул қилинган қарор қоғозда қолиб кетмади. Туман ва шаҳардаги деҳқон хўжаликлари, фермерлар, кичик корхоналар сони ортди. Мен рақамларни қаторлаштириб айтиб ўтирмайман. Аммо, партия ташкилотлари ва партия аъзолари тадбиркорликни ривожлантиришга астойдил киришганликлари, бу ишда бошқаларга ибрат бўлаётганликларини тилга олмоқчиман. Бердиқул Донаев «Қўшқанд» ижара хўжалигида бошланғич партия ташкилотини бошқаради. Шу билан биргаликда ўзи фермер. Тимирязев номли ширкатлар уюшмасида фермерлик қилаётган Шуҳрат Маҳмудов бир неча йиллардан бери шу хўжаликдаги партия аъзоларига етакчилик қилади. Бобур номли ширкатлар уюшмасидаги илғор деҳқон хўжаликларидан бирига Райимжон Ёқубов бошчилик қилади. У ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилотининг котиби ҳам.

— Энди «Меҳр-шафқат» тадбирлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бу соҳада фахрланса арзийдиган ишларни амалга ошираётганимизни яширмайман. Аввалги йиллардагини қўйиб турайлик. Шу йилнинг ўзида ижтимоий ҳимояга муҳтож 340 нафар фуқарога 7 минг 350 сўмлик ёрдам кўрсатдик. Уларнинг 250 нафари Ховос туманидан, 90 нафари Ширин шаҳридан. «Фарҳод» давлат хўжалигида истиқомат қилаётган бир ногиронга болалар аравачаси инъом қилдик. Бундан ташқари, туманимизда жойлашган 13-болалар уйи партия ташкилотимиз оталиғида. Биз болалар уйини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларида ёрдам беряпмиз. Уларнинг кўнглини чўктирмасликка ҳаракат қилиб, сайру саёҳатларга олиб борамиз. Суннат тўйлари ўтказиляпти.

— Демак, туман кенгаши фаолиятига юқори баҳо берсак, муаммолар йўқ, десак бўлаверар экан-да?

— Бундай десак янгилишган бўламиз. Муаммолар кўп. Ҳозир қайси биридан бошлашни билмай турибман. Келинг, яхшиси, ҳаммада бор қийинчиликларни такрорлаб айтиб ўтирмай, кўп вақтдан бери ўзимни ўйлантириб келаётган айрим масалаларга эътиборингизни жалб қилай. Туманимизда 181 та фермер бор. Уларнинг атиги 10 фоизи ХДП аъзолари. Туманимизда — 48 та, Ширин шаҳрида — 14 та, жами 62 та кичик корхона ишлаб турибди. Уларнинг бор-йўғи 8 тасига партия аъзолари етакчилик қиляпти. Нега шундай? Ёки ҳол партия ташкилотимизни, биринчи навбатда, котиб сифатида мени хотиржам бўлишга йўл қўймайди.

Иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олиб, туман партия кенгашида ишлаётган ходимларнинг сонини кескин камайтириб юбордик. Бироқ иш кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ. Ўзингиз ўйланг, бир томони Ширин шаҳри, у томони Шаҳристон тоғлари, Зомин қирларига туташ бўлган бизнинг ҳудудда катта қўламдаги ишларни олиб бориш бор-йўғи тўртта масъул ходим учун қийинчилик туғдирмай қўймас экан.

— Суҳбатимизни шу ерда тўхтатсак.

Биз аслида ҳурматли муштарийларимизга туман кенгаши биринчи котибининг ўзи ҳақида ҳикоя қилмоқчи эдик. Гап эса айланиб-айланиб ишга тақалаверди. Аммо, қилаётган иши инсоннинг ким эканлигини айтиб туради, деган экан бир донишманд. Назаримда, биринчи котиб билан ушбу гурунгимиз орқали туман партия ташкилоти фаолияти билан озми-кўпми танишган муштарийларимиз суҳбатдошимизнинг юқорида тилга олинган айрим сифатларни ўзлари қўшиб олишар.

Зеро, чўлдагилар шундай бўлишади.

Ортиқ СУЛТОНОВ,
Сирдарё вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Жамоатчи мухбиримиз Ортиқ Султоновнинг ушбу мақоласи чоп этишга тайёрланаётганда Сирдарёдан хабар олдик. Ўзбекистон ХДП Ховос туман кенгашининг биринчи котиби Райимқул Душаев Республика Президенти девонига ишга ўтибди.

ЭКОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

● Яқин орада Нукусда фаолият бошлайдиган Орол ва Оролбўйи экологияси бўйича халқаро марказ Марказий Осиёдаги энг ўткир муаммолардан бири — бу минтақадаги экология масалалари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Давлат фан ва техника қўмитаси уюштирган Марказий Осиё давлатлари мутахассислари учрашувининг асосий мавзуси ҳам бу марказни ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш масалаларидан иборат бўлди. Биоэкология, тупроқшунослик, кимё, гидрометеорология, мелиорация соҳасида ишлайдиган етук олим ва мутахассислар бир ҳафта давомида марказ фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш юзасидан бир қанча йиғилиш ўтказишди. Улар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш бўйича Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ишлаётган ҳамкасблари билан учрашдилар, Нукусдаги шу соҳа муассасаларида, Мўйноқ биостанциясида бўлдилар.

ЖАНУБИЙ ДЕНГИЗГА ЙЎЛ

● АШХОБОД. Туркманистон пойтахтидан Эроннинг Баджигеран шаҳригача эни 12 метр бўлган замонавий автомагистрал йўли қурилиши бошланди.

Бу автотрасса узунлиги 35 километр бўлиб, у Туркманистонни Форс қўлтиғи билан боғлайди. Натижада мамлакат ишбилармонлари денгиз орқали бошқа қитъа мамлакатларига чиқиш имкониятига эга бўлишади.

ШАРТНОМА ИШ БЕРМАЯПТИ

● Қозоғистон нефть ва газчилари Ғарбнинг йирик корпорацияси билан бу ердаги конларни ўзлаштириш бўйича катта битимлар имзолашган эди.

Франциянинг «Эльф акитен» фирмаси мутахассислари биринчилардан бўлиб, ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолашганди. Бироқ, чет эллик ишбилармонлар Қозоғистонда ўз фаолиятларини жуда суст олиб бормоқдалар. Имзоланган шартномалар иш бермаяпти. Масалан, юқорида тилга олинган фирманинг Актюбинск вилоятидаги «Жусан-1» нефт қудуғида олиб бораётган ишлари тўхтаб қолди. Жаҳонга машҳур «Шеврон» фирмаси ҳам Тенгиз конидан 12 фоиз мутахассисларни қайтариб олиб кетишга мажбур бўлди.

МУДДАТ БЕЛГИЛАНДИ

● «Туркманистон—Эрон—Туркия—Европа» газ қувурининг қурилиши 1995 йилнинг май ойида бошланадиган бўлди.

Туркманистон газ ва нефтини жаҳон бозорига олиб чиқиш масалалари бўйича тузилган давлатлараро кенгашнинг Теҳронда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу муддат белгиланди.

Туркманистон, Эрон, Туркия, Россия ҳамда Қозоғистоннинг тегишли вазирликлари ўртасидаги келишувга асосан лойиҳа ишлари шу йилнинг октябрь ойида бошланиши, 1 ноябрга қадар эса, лойиҳани техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

ЭЛЧИНИНГ САФАРИ

● НЬЮ—ЙОРК. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий махсус элчиси Рамиро Пинрис-Баллонни Тожикистонга жўнатди.

Элчи Душанбе ҳукуматибилан бу ҳудудда тинчликни барқарорлаштириш масалалари бўйича музокаралар олиб боради. Бутрос Ғолий Нью-Йоркда Тожикистондаги вазиятга доир муҳокамалардан сўнг шу қарорга келди. Муҳокамаларда Россия, Ўзбекистон, Эрон, Покистон ва Афғонистон республикаларининг БМТ қошидаги дипломатик ваколатхона раҳбарлари иштирок этади.

Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.

ИЖОДДА—ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги ва Қашқадарё вилояти ташкил топганлигининг 70 йиллиги арафасида вилоят ёш ижодкорларининг кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси ҳамкорликда ташкил этган бу кўрик-танловда ёш шоирлар, ёзувчилар, рассомлар иштирок этдилар. Кўрикка тавсия этилган асарларнинг бош мавзуи истиқлол ва Ватан мадҳи эди.

Кўрик-танловда Яккабоғ туманидан шоира Муборак Мўминова, Қамаши туманидан Бахтиёр Ҳазратқулов, Қарши шаҳридан Зилола Хўжаниёзова, Деҳқонобод туманидан рассом Илҳом Эгамбердиевлар ғолиб деб топилди. Уларга вилоят партия кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Владимир БЕЗГУБ,
вилоят партия кенгаши мутахассиси.

«БУЛОҚ»НИНГ ҲИММАТИ

Пахтачи туманидаги «Булоқ» кичик корхонаси ва туман партия кенгаши ташаббуси билан Охунбобоев номли жамоа хўжалигида меҳнат фахрийлари, партия фаоллари учун дастурхон тузалди.

Туман ҳокимининг муовини И. Санаев, партия кенгаши биринчи котиби У. Тўхтаниёзов, фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бойбўтаев мустақиллик қадр-қиммати хусусида сўз юритдилар. «Булоқ» корхонаси бошлиғи И. Қозоқов қарияларга қимматбаҳо совғалар улашди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Й. Суюнов эса партия фаолларига фахрий ёрлиқлар топширди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ТЎЙ

«Тўйлар муборак»нинг жозибали садоси остида даврага югуриб кирган болажондан сўрашди:

— Сен кимнинг фарзандисан?
— Буюк Турон фарзандиман.
— Кимнинг ўғлисан?
— Ўзбекистон ўғлиман.
— Онанг ким?
— Она-Ватан.
— Исминг нима?
— Мустақилжон.
— Қадаминг қутлуғ, йўлинг ёруғ бўлсин, болажоним, бизнинг тиббий кошонамизга хуш келибсан!

Мустақилжонни шу тарзда кутиб олган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси Миробод туман соғлиқни сақлаш бўлимининг 1-поликлиника бош шифокори Салтанат Иноғомова безатилган дастурхон атрофига йиғилганларни истиқлолимизнинг муборак айёми билан қутлади. Ўзининг ибоси, хаваси билан палак остида даврага кириб келган келинчак меҳмонларга бир-бир келин салом қилди. Айниқса, поликлиника ходимаси ижросидаги ўзбек миллий қўшиқларидан «Алла» янграганда давдагилар кўзига беихтиёр ёш қалқди...

Истиқлолимизнинг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тантанада қатнашганлар бу ерда бўлиб ўтган ҳамширалар касб маҳоратларини намойиш этган конкурс гувоҳи ҳам бўлдилар.

Худди шундай байрам тантанаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохонада ҳам бўлиб ўтди. Шифохона бош врачи Мурод Қодиров байрамга ташриф буюрган меҳмонлар ҳамда ҳамкасбларини Ўзбекистон мустақиллиги айёми билан муборакбод этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов, шифохонада ташкил этилган «Диёр» ҳамда фольклор дасталарининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. «Меҳнатимиз, санъатимиз, сенга, ҳур Ватан» шиори остида ўтказилган ҳамширалар танловида қатнашган қизларнинг меҳмонларни немис, инглиз, тожик ва араб тилларида қутлаганлари иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

Байрам шарофати билан ўтказилган бундай тантаналар ўзлигини таниган Ўзбекистон тиббиётчиларининг қисқа фурсат ичида қаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган қулайликларга шукронаси ифодаси эди.

Умида ФАЙЗИЕВА.

• *Тадбиркорга омад ёр*

МАЙДОНДА СИНАЛГАН—ЭЛДА АЗИЗ

Булунғур азалдан боғлар ўлкаси. Унинг сахий заминида етилган сара, танга дармон ноз-неъматлар одамлар дастурхонига доимо файз киритиб келган. Очиғини айтганда бизнинг шароитимизда мева, узум, сабзавотни хўб ва кўп етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Чунки иқлим шароитимиз тез ўзгарувчан. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Қиш нисбатан эрта тушиб узоқроқ давом этмоқда.

Лекин еримиз саховатини меҳнаткаш одамлар ҳалол меҳнат билан оширмоқдалар. Сўнгги пайтда туманда барча соҳаларда юксалиш кўзга ташланяпти. Бу нимани шарофати. Бу саволга ҳеч иккиланмай истиқлол шарофати, дейиш мумкин.

Сабаби, истиқлол туфайли одамлар елкасига офтоб тегди. Энди улар минг машаққат билан етиштирган маҳсулотларини сув текинга «умумиттифоқ фонди»га юбормай ундан ўзлари баҳраманд бўлмоқдалар. Бу ўз навбатида ташаббускорлик, тадбиркорликни кучайишига омил бағишламоқда.

Маълумки, шу йил 29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида 1994 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш якунлари ва ўлларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари диққатимни тортди:

«Шуни таъкидлаш керакки, республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари яратилган. Уни такрорлаб, изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Энди ҳамма гап — ана шу Фармон ва Қонунларга амал қилишда, танлаб олинган, тараққиёт йўлидан оғишмай юра билишда, заҳматкаш, меҳнатсеварлик бобида дунёда тенги йўқ халқимизнинг самарали ишлаши учун барча шароитни яратиб бериб, уни улуғвор ишларга сафарбар эта олишдадир».

Дарҳақиқат, ҳозир бирмунча қийин даврни бошдан кечиряпмиз. Лекин буни ҳадеб таъкидлаш, яъни баҳона қидириш билан иш битмайди. Ишлаш, изланиш керак. Биз меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари, унинг натижасидан ўзлари кўпроқ баҳраманд бўлишлари учун имконият яратишга сўнгги пайтда алоҳида эътибор беряпмиз. Хусусийлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини кенгайтириш уларга ҳар томонлама кўмаклашиш диққат марказимизда.

Айни пайтда туманда 200 та деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Уларга 4104 гектар ер ажратиб берилган. Бундан ташқари уларнинг ихтиёрида 82 та трактор, 46 та прицеп, 15 та автомашина, 3 та комбайн бор. Ўтган ярим йилда хусусий хўжалик эгаларига 117 тонна омихта ем ажратилди. Туман таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 11 та ихтисослаштирилган дўконлар орқали керакли миқдорда эҳтиёт қисм ва минерал ўғитлар сотилди.

Буларнинг ҳаммаси одамлар қўлидаги моллар маҳсулдорлигининг, экинлар ҳосилдорлигининг ортишига сабаб бўляпти. Ҳозир фермерлар ихтиёрида 1770 та қорамол, кўплаб қўй-эчки, паррандалар мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир қишлоқ хонадонида мол бор. Улар ўзларини сут, гўшт билан таъминлашмоқда.

Одамларнинг ишлашига имконият берилса тоғни ағдариши мумкин экан. Буни илғор фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти яққол кўрсатиб турибди. Масалан, мустақил фаолият кўрсатиб ишлаётган «Бахт» деҳқон хўжалигини олайлик. Р. Усмонов бошлиқ миришкорлар 69 гектар ерда ишлашади. 1,5 гектар ердаги помидордан 20 тонна ҳосил олишни режалаштиришган. Режани бажариб қўйишди. Далада эса ҳали ҳосил мўл, 22 гектар ердаги узумнинг эртакисидан мўлжалдаги ҳосилни деярли топшириб қўйишди. Боғлардаги мевалар ҳосили кўзни қувонтиради.

Булунғур жамоа ижара хўжалигида Икромов номли деҳқон хўжалигининг 28 гектар ери бор. Бу ерда Хўрозбой Жўраев бошчилигида 8 киши ишлайди. Улар 20 гектар ерга ғалла экиб, унинг ҳар гектаридан 55 центнердан тоза бўғдой олишга муваффақ бўлишди.

Жамоа аъзолари ўз ихтиёрларида қолган 17 тонна ғалланинг уч тоннасини камбағал оилаларга текиига бўлиб беришди. Ўзлари эса 500 килограммдан бўғдой ва 2 тоннадан сомон олишди. Ғалла харид нархларининг ошганлиги туфайли давлатга топширилган 96 тонна юқори навли ғалладан катта даромад оладиган бўлишди. Бундай фидойилар туман хўжаликларида кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг куч ғайратлари билан туманимизда ғалла топшириш режаси барвақт уддаланди. Давлатга 14 минг тоннадан зиёд дон сотилди.

Шу кунларда етилган мева, узум ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Ҳосил чўғи яхши. Барча соҳалар бўйича белгиланган режаларни ошириб адо этиш учун имконият етарли.

Мамлакатимиз бозор иқтисоди сари дадил одимламоқда. Бундай шароитда мўл-кўл маҳсулот етиштиришнинг ўзи камлик қилади. Агар ҳосилни териб олиш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашга эътибор берилмаса, йил бўйи қилинган меҳнат қисқа вақтда бекор кетиши мумкин. Қолаверса фақат хом ашё тайёрлаш билан узоққа бориб бўлмайди.

Шунинг учун туманимиз заминида бунёд этилган ноз-неъматларнинг бир қисмини сифатли ҳолда аҳоли дастурхонига етказиб бериш билан бир қаторда қолганини нобуд қилмай қайта ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Шунинг учун кўплаб қайта ишлаш корхоналари қуриляпти. Борлари қайта таъмирланиб, юксак унумли, замонавий техника воситалари билан жиҳозланмоқда.

Бир сўз билан айтганда. Булунғур деҳқони етиштирган мева, узум, сабзавот Булунғур ишчиси қўлида тайёр маҳсулотга айланади ва истеъмолчиларга тақдим этилади. Бугунги кунда туманда 15 та саноат корхонаси, 15 та кичик корхона 3 та хусусий корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Маҳсулотларимиз 10 га яқин хорижий ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Биргина шу йилнинг биринчи ярмида 6,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Сўнгги пайтда «Ипак йўли», «Бешариқ», «Ойқор», «Фозил Йўлдош» номли хўжаликларда дала неъматларини қайта ишлаш цехлари фаолият кўрсата бошлади. Булунғур вино комбинатида спирт тайёрлайдиган цех ишга тушди. Йил охиригача Ленин номли давлат хўжалигида помидорни қайта ишлаш линияси, лавлагидан қиём тайёрлаш цехи, «Олқортепа» жамоа хўжалигида консерва цехи, Ф. Йўлдош номли ижара хўжалигида вино заводи, «Мингчинор» жамоа хўжалигида гишт заводи қуриб битказилади.

Кўриниб турибдики, биз маҳсулот етиштириш билан бирга уни тўлиқ қайта ишлаш орқали эл дастурхонини тўкин қилиш, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш йўлидан боряпмиз. Бунинг учун ишга яроқли кишиларнинг деярли барчаси мамлакатимиз эришган буюк неъмат-истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилаяптилар.

«Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, ҳалол тер тўкаётганларнинг яхши яшашлари, мароқли дам олишлари учун шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳамма хўжаликларда болалар боғчалари ишлаб турибди. 62 та мактабда 2576 та бола ўқимоқда. Жойларда 45 та кутубхона, 17 та клуб ишлаб турибди. Яқин келажакда «Кильдон» ижара хўжалигида замонавий клуб, «Навоий» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида маданият уйи қурилади. Туман ҳудудида иккита ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек 60 дан зиёд маиший хизмат шахобчалари аҳоли хизматида.

Айни кунларда Булунғур тумани меҳнат аҳли истиқлол байрамининг уч йиллиги билан бирга туманимизнинг 70 йиллик юбилейига ҳам тайёргарлик кўрмоқда. Тўйга тараддудни бошлаб юбордик. Байрам олди юмушлари туман ҳокимияти томонидан тузилган тадбирга мувофиқ ташкил этилган. Шунга кўра Булунғур шаҳри ва қишлоқларида кенг қўламли қурилиш ободончилик ишлари бажариляпти. Жумладан, Булунғур шаҳрининг кўча ва хиёбонлари таъмирланмоқда. Мустақиллик майдони қайта қурилди. Шаҳарда 400 та томошабинни ўз бағрига оладиган Санъат саройи қурилиши умумхалқ ҳашари, деб эълон қилинди.

Булунғур — республикаси ноз-неъмат кони, соҳибкору боғбонлар макони сифатида тилга тушган. Одамлари ҳалол меҳнати билан майдонда синалган мард, танти кишилар. Туманимиз меҳнат аҳли Булунғур шуҳратини янада ошириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш ишига қўлларидан келганча ҳисса қўшаверадилар.

Суратда: Ўткир Нуруллаев (ўртада) «Булунғур» жамоа хўжалиги ранси Маъмур Халилов, шу хўжаликнинг илғор фермери Хўроз Жўраевлар билан мулоқотда.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ўткир НУРУЛЛАЕВ,
Булунғур туман ҳокими.

• *Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига*

ФАЛАКИЁТ СУЛТОНИ

Буюк табиатшунос тадқиқотчи, давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394—1449) астрономия ва математика соҳасида жаҳонда маълум ва машҳур олим. Бошқа соҳаларда ҳам туркий ва форсий тилларда ижод қилган. XV асрнинг биринчи ярмидаги ватанимизнинг ижтимоий, илмий ва маданий тарихида ўчмас из қолдирган улуғ шахс. Ўз замонасигача жаҳонда мавжуд астрономик обсерваторияларнинг энг йириги ва нодири Самарқанд расадхонасини, Шарқнинг йирик дорулфунуни ҳисобланган мадрасани яратди, XV аср Фанлар академияси ҳисобланган астрономия-математика илмий мактабини ташкил қилди. Жаҳон илми аҳлига «Зижи Кўрагоний»ни тақдим этди.

Улуғбек илмли бўлиш, илмий ҳақиқатни очиш инсон учун олий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Фанда кузатиш усулига ва илмий асбобларнинг аҳамиятига катта эътибор беради, илмий тадқиқотда математик воситалар ва мантиқий усуллар афзаллигини алоҳида қайд этади. Ўз илмий кузатишлари ва аниқ хулосаларида табиатда, оламда тартибот борлиги ва ундаги ҳодисалар росмана сабабий боғланишларга асосланишидан келиб чиқади. Улуғбекнинг астрономияси астрологиядан шу билан фарқ қилади.

УЛУҒБЕК ВА УНИНГ АКАДЕМИЯСИ ҲАҚИДА ТАЪРИФЛАР

Алишер Навоий:
«Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга декинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком».

Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший:
«Рисолани тамом қилди мавлоно Султон Улуғбек ибн Султон Шоҳрух ибн Султон Темур Кўрагон. У киши (Улуғбек) эса, Самарқандда кузатишлари олиб боргандир. Ва дуруст таҳрир қилиб, арабчага таржима қилувчи сайид олим Ғиёсиддин Жамшид», «Арифметика калити» китобимни султон набираси, султон ўғли, Султон Улуғбек ёрдамида ёздим».

Қозизода Румий:
«Улуғбек барча фанларни эгаллаган. У—кундузги қуёш, тундаги ой, ақл денгизи, ҳақиқат йўлини кўрсатувчи».

Мирим Чалабий:
«Ўз китобимизда биз аввало бир даража синусининг тақрибий қийматини олимлар томонидан олиш санъати ҳақида маълумот бериб, сўнгра донг қозонган атоқли муаллиф Улуғбек бажарган ҳисоб-китоб ҳақида гапирамиз... Алавиддин Али Қушчининг Улуғбекнинг жадвалларига ва Улуғбек ходими Қозизода Румийнинг асарларига шарҳида уларни исботлаймиз».

Бобур:
«Улуғбек Мирзонинг яна бир олий иморати Пуштаи куҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ашёнликдур. Улуғбек Мирзо бу расад била Зижи Кўрагонийни битибдурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур».

Абу Тоҳир Хўжа:
«Мадраса асосланганидан орадан тўрт йил ўтгач, Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва мавлоно Муйиддин Коший билан кенгашиб, Обираҳмат ариғининг қирғоғидаги кўҳак этагида расадхона биносини тиклантириб, унинг теварагига баланд-баланд ҳужралар қурдиради, расадхона жойлашган тепаликнинг этагини эса ажойиб боғ қилиб, вақтининг кўпини шу ерда ўтказа бошлайди».

Давлатшоҳ:
«Улуғбек юксак олим даражасига эришиб, нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб борган. Ўша замондаги олимларнинг билим даражаси баланд бўлиб, улардан муносиблари Улуғбек ҳузурида муҳим мавқе эгаллаганлар. У геометрияда Евклидга, астрономияда эса Птолемейга ўхшаш бўлган. Илғор ва донишманд кишиларнинг якдиллик билан билдирган фикрларига кўра, ислом даврида ва ҳатто ундан илгари Искандар Зулқарнайн давридан ҳозирги вақтга қадар ҳокимият тепасида Улуғбек Кўргонийдек олим-подшоҳ бўлмаган».

Абу Мулла Фарид Деҳлавий:
«Ҳозирги вақтда барча астрономик жадвалларидан энг обрўлиси ва аниғи Самарқанд астрономик жадвалларидир».

Савой Жай Синг:
«Шоҳ Жаҳонобод (Деҳли) расадхонасини қуриш учун Муҳаммад шоҳ буйруғи билан мутахассислар чақирилди. Бу иш жуда муҳим бўлганига қарамай, баҳодир рожалардан бири бу ишга бош қўшгунича кўп вақт ўтиб кетди. Ислом дунёсида жафокаш султон Мирзо Улуғбек замонидан шу вақтгача ўтган уч юз йилдан зиёд давр мобайнида юқори лавозимли султонлардан ва юқори мансабли ҳамда атоқли кишилардан ҳеч ким бундай ишга етарли эътибор бермаган».

М. Баилли:
«Гобил билдирадики, ламалар ва Тибет руҳонийлари астрономия соҳасидаги қадимги китобларга эга. Бу соҳада хитойлар нимани билган бўлсалар, ўша нарса Ғарбдан, Самарқанд томонидан келган».

М. Лаплас:
«Улуғбек — буюк кузатувчи. Унинг ўзи Самарқандда, ўз ҳокимиятининг пойтахтида юлдузларнинг янги каталогини ва астрономик жадвалларни тузди. Унинг каталоги ва жадваллари Тихо Брагегача мавжудларининг энг яхшисидир».

В. Вяткин:
«XVII асрнинг ўрталарига оид бир вақф ҳужжатини таҳлил қилишда «Ер майдонининг баён қилинган чегаралари қаторида расадхона жойлашган тепалик («Толеи расад») ҳамда ҳозирги вақтда ҳам ўша номдаги Обираҳмат ариғи ва Нақши жаҳон деган жой номи кўрсатилганди. Бу ҳужжат расадхона ўрнини шу қадар аниқ қилиб кўрсатгандики, уни топиш ҳеч бир қийин эмасди».

Г. Бигардан:
«Улуғбекнинг каталоги ҳақиқатан ҳам оригиналдир. Шу вақтгача биз учратган бошқалари эса Птолемейдан олинган, ундан ҳеч бўлмаса координатлар олинган».

Ф. Боке:
«Улуғбекнинг каталоги жуда қимматлидир, чунки бу каталог ҳақиқатда Самарқанд расадхонасида кузатиб аниқланган юлдузлар ҳолатларига асосланган. У аслида ўн олти асрдан кейин яратилган иккинчи жиддий каталогдир. XV асргача фақат икки астроном — Гиппарх ва Улуғбек юлдуз каталогларининг аҳамиятини тушунган».

В. Бартольд:
«Улуғбекка қадар мусулмон оламида тахтда ўлтирган олим бўлмаган, шу жиҳатдан олганда мусулмон муаллифлари Улуғбекни фақат Аристотелнинг шоҳ бўлган шогирди Искандар билангина таққослай олишлари мумкин эди».

Е. Кнобел:
«Улуғбекнинг юлдузлар каталоги асосан ўз кузатишлари натижасида тузилган бўлиб, катта эътиборга сазовордир».

А. Юшкевич ва Б. Розенфельд:
«Ўнли касрнинг киритилиши Ал-Кошийнинг энг буюк кашфиётларидан биридир»; «илдиз чиқаришнинг «Жамшид усули» нима учундир Руфини — Горнер усули» деб юритилади; «исталган натурал кўрсаткич учун Жамшид очган бином формуласи «Ньютон биноми» деб юритилади»; «айланага ички ёпишган ва танақи ёпишган $3X2^{28}$ яъни 800 миллион томонли кўпбурчак периметрларини ҳисоблаб, «Пи» сонининг вергулдан кейин 16 рақамли аниқ миқдорини берди».

Т. Қори-Ниёзий:
«Ўзининг улкан салоҳияти, конструкциясининг оригиналлиги, шунингдек, кузатиш натижалари билан Улуғбек обсерваторияси телескопгача бўлган астрономиянинг энг охирги ютуғи эди».

И. Мўминов:
«Улуғбек — ўн бешинчи аср биринчи ярмининг улуғ мутафаккиридир».

Академиянинг илмий ходимлари: Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Али Биржандий, Муйиддин ибн Ғиёсиддин, Мирим Чалабий, Мавлоно Муҳаммад, Салоҳиддин Мусавий, умуман академия машғулотларида 90 дан ортиқ олиму-фузалолар қатнашиб турган.

Булардан ташқари Ҳофизи Абру, Мавлоно Нафис, Али Журжоний, Сирожиддин Бисотийи Самарқандий, Хаёли Буҳорий, Бадаҳший, Дурбек, Саккокий ва бошқа замондош маърифатпарварлар Улуғбек илмий мактаби таъсирида бўлганлар.

Улуғбек илмий мактабидаги олимларнинг ниҳоятда нуфузли эканлигини уларнинг фан тарихида из қолдирган асарларининг ҳануз сақланиб келаётган обрўсидан билиб олиш мумкин.

Ғиёсиддин Коший ўнли касрлар арифметикасини яратди (ҳолбуки, шундан 150 йил ўтгач, Оврўпода бу «янгидан»

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР

кашф этилди). Улуғбек ва Коший томонидан бир даражали ёйнинг синусини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Итерацион алгоритм, яъни исталган тригонометрик функциянинг синус 1° орқали аниқлаш математика тарихида муҳим аҳамият касб этган. Бунинг учун эса учинчи даражали алгебраик тенгламани ечиш лозим бўлиб қолган. Бунинг икки усули кашф этилган бўлиб, биринчисининг муаллифи Ғиёсиддин Коший, иккинчисининг муаллифи Улуғбекдир. Бир даражанинг синуси вергулдан кейин 19 рақам билан аниқланди. Шунингдек, Коший «пи» сонининг қийматини 17 хонагача аниқлик билан ҳисоблаб берди. Бу—олимнинг ниҳоятда захматкаш бўлганидан дарак беради. Бундай натижага иккинчи марта 1597 йили Ромен деган олим келган.

Салоҳиддин Қозизода Румий Евклид геометриясига ва Чағминий астрономиясига оид чуқур фикрлари билан машҳур. Бу олим Самарқанд академиясининг етакчи математикларидан бўлган.

Алавиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи — Улуғбекнинг содиқ шогирдларидан, у фан ва маданият тарихига Али Қушчи номи билан кирган машҳур олим. У ҳали Улуғбек тирик вақтларидаёқ йирик олим ҳисобланган, космография ва осмон механикаси соҳасидаги фикрлари билан машҳур.

МУНАЖЖИМ ЖАДВАЛЛАРИ

Улуғбек: «Абдураҳмон Сўфий юлдузлар ҳақида рисола тузган. Бу рисола барча олимларни хурсанд қилди. Биз ўз кузатишларимиз билан юлдузлар жойларини аниқлашимиздан илгари уларни бу рисолага биноан сферага жойлаштирдик. Дарров маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги осмонда кўринишига қараганда, бошқачароқ жойлашган. Бу эса ўзимизнинг кузатишимизга мажбур қилди»,— дейди. Шундай қилиб, Улуғбек бошлиқ астрономлар илмий ишни фанда ҳукм суриб келаётган хато ва камчиликларни тузатиш ва тўғриларини бойитишдан бошладилар.

Кузатишлар ҳам табақали эканлигига Улуғбек эътибор берган. Уларнинг замини деб кузатиш жойининг жуғрофий кенгламасини тушунган. Самарқанд расадхонасининг кенгламасини ўлчаб-ўлчаб, 39 даража 37 минут 33 секунд қийматини чиқарган. Мазкур қийматни беш асрдан кейин, 1941 йили В. П. Шчеглов замонавий асбоб-ускуналар билан бошқатдан текшириб, Улуғбекникига яқин қийматни аниқлади. Шунинг учун Улуғбекка қойил қолмасдан илож йўқ.

Улуғбек расадхонасидаги асосий ўлчов воситаси секстант бўлиб (баъзилар квадрант дейишади — бунинг унча аҳамияти йўқ), кузатиш натижалари жадвал ва каталоглар шаклида ифодаланган. Каталогда 1018 юлдуз бор. Уларда ҳар бир юлдузнинг координатлари (кенглама ва узунлама), уларнинг юлдузлар тўпламларидаги ҳолати, юлдуз миқдорлари берилган. Координатлар боши қилиб, 1437 йилдаги кун тенглиги олинган. Каталог — мураккаб билим жараёнининг якуни бўлиб, рақамлар математика қолипига туширилади, яъни қонда-қонуниятлар яратилади.

Улуғбек яратган жадваллар: Ҳижрий йиллар мадҳалининг жадвали; Ҳижрий ойлар мадҳалининг жадвали; Юнон ойлари мадҳалининг жадвали; Эрон эраси мадҳалининг жадвали; Юнон, ҳижрий ва Эрон эралари кунларининг бир-бирига ўтиш жадвали; Юнон, ҳижрий ва Эрон эралари кунларининг жадвали; Маликий эраси тўла йиллари кунларининг жадвали; Чағ жадвали; Икки циклининг қўшилиш жадвали; Кун ва фенклар сони, улардан ташкил топган йилнинг 24 қисми, уларнинг хитойча номи жадвали; Йилнинг 360 кундан ошган қисмлари жадвали; Чағ ва КЭ бошининг фенк билан ифодалаш жадвали; Ўртача қамария ойи жадвали; Шамсия йилнинг қамария йилдан ортиқлиги жадвали; Шамсия йилнинг ой эпицикли ўн уч айланишидан ортиқлиги жадвали; Ойнинг ой давомидаги ҳиссаси жадвали; Қуёш тенгламаси жадвали; Ой тенгламаси жадвали; Хитой эраси йилидаги кун ва фенк жадвали; Юлдузлар каталоги; Ўша юлдузларнинг ҳолати жадвали.

• *Атама ва тушунчалар*

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — марказлашган давлат пул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси. Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши бюджет тақчиллиги деб аталади. Давлат бюджети ҳажми унга келиб тушадиган даромадларга боғлиқ.

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ — бюджетга пул тўплаш мақсадида давлат номидан чиқариладиган ва сотиладиган давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз. Қарзни қоплаш муддатларига кўра қисқа муддатли (1 йиллик), ўрта муддатли (2—5 йиллик), узоқ муддатли (5 ва ундан ортиқ йиллик); даромаддорлигига қараб фоизли ва ютуқли; тарқатилиш жойига қараб мамлакатнинг ўзида тарқатиладиган ички ва хорижий давлатларга кредит тарзида бериладиган — ташқи заёмлар мавжуд.

ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ АКЦИОНЕРЛАШ — корхонанинг давлат мулкидан акционерлар жамоаси мулкига айлантириш. Давлат корхонаси акционерлаш корхона мол-мулкини инвентаризациялаш, қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқишдан бошланади. Корхонанинг асосий фондлари ва оборот маблағлари миқдори аниқланиб, шу миқдорга тенг суммада акция чиқарилади. Акцияни, энг аввал корхонада ишловчи ишчи ва хизматчилар сўнгра бошқа корхона, ташкилотлар ҳатто банклар ва ниҳоят, корхонага алоқаси бўлмаган фуқаролар сотиб олишади. Агар бу пул корхонанинг қийматини қоплашга етмаса, акциянинг бир қисми насияга сотилади ва уни олганлар қарздорга айланади. Акционерлашган корхона ўзини-ўзи бошқаради, эркин, мустақил товар ишлаб чиқарувчига айланади, унинг давлат билан муомаласи солиқ тўлашдан иборат бўлади. Давлат корхонасини акционерлаш иқтисодиётни демократиялаш, бозор муносабатларига ўтиш учун зарур тадбир ҳисобланади.

ДАВЛАТ МУЛКИ — асосий мулкчилик шаклларидан бири. Давлат мулки икки йўл билан пайдо бўлади: а) хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш, б) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучайиши билан давлат мулки ривож топади, лекин унинг монополияси ўрнатилгач, рақобатга халақит беради. Натижада давлат мулкини реприватизациялаш юзага келиб, бошқа мулк шакллари кучаяди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётни демократиялаш, давлат мулки монополиясини тугатишни тақозо қилади.

ДАВЛАТ РЕНТАСИ — давлат муддатсиз облигация қарзига тўлов тури. Давлат қарзга олган капиталга ҳар йили маълум даромад (рента) тўлаб туриш мажбуриятини олади.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ — бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, бу тўловларнинг тўғрилигини назорат қилиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиш мажбурияти юклатилган ташкилот. Бозор иқтисодиётига ўтиш, корхоналар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар хўжалик мустақиллигининг кенгайиши, даромад ва фойдаларнинг шаклланиши солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат фойдасига ўз вақтида ва тўғри ундириш устидан давлат назоратини ўрнатиш заруратини келтириб чиқарди.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ — 1) давлат корхонасини акционер жамият, бошқа хўжалик жамоаси ёки ширкатга айлантириш; 2) давлат корхонаси мол-мулкини меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиниши; 3) ижарага берилган давлат корхонаси мол-мулкини ҳуқуқий ва жисмоний шахс бўлган ижарачи корхона ёки бошқа ижарачи томонидан сотиб олиниши; 4) давлат корхоналарини ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга танлов бўйича ёки кимошди савдосида сотиш.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИШ — давлатнинг молия идоралари томонидан давлат, кооператив корхоналарни ва жамоат ташкилотлари корхоналарини рўйхатдан ўтказиш. Мақсад — корхоналарнинг барпо этилиши, қайта тузилиши ва тугатилишнинг қонуний лигини назорат қилишдир.

АСАРЛАР ВА АСРЛАР

Мирзо Улуғбек академиясида 30 дан ортиқ илмий асар яратилган. Уларнинг муаллифлари Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқалар. Шу билан бирга айтиш ўринлики, бу рисолаларнинг ҳаммаси Улуғбек илмий мактабининг умум маҳсулидир.

Бу асарлар: Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» китоби. Уни 1652 йилда Ж. Гривс Лондонда, 1665 йили Т. Хайд Оксфордда нашр этишди. 1707 йилда Ж. Шарп, 1843 йилда М. Байлли қайта нашр этдилар. 1853 йили Л. Седийо Парижда чоп этди. 1917 йили Х. Петер ва Е. Кнобел Вашингтонда чоп этди. Ҳозир, 1994 йили А. Аҳмедов Тошкентда ўзбек ва рус тилларида нашр этмоқда. Шунингдек, Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» Тошкентда, 1994 йили нашр этилди.

Ғиёсиддин Кошийнинг «Гўзал боғлардаги роҳат», «Осмонлар нарвони», «Арифметика калити», «Айлана ҳақида рисола», «Хоразм олими Муҳаммад Ал-Хоразмийнинг алгебра ва албуқобала ҳисоби асари ҳақида қисқача китоб» асарлари 1853 йилдан бошлаб Оврўпо тилларида нашр қилиб келинди. 1956 йили Ал-Кошийнинг «Ключ арифметики, Трактат об окружности» асарини Б. А. Розенфельд, В. С. Сегаль, А. П. Юшкевич рус тилида нашр этишди.

Қозизода Румий асарлари: «Арифметика бўйича рисола», «Синус ҳақида рисола», «Шамсиддин Самарқандийнинг «Шакллар асослари»га шарҳ», «Чағминийнинг «Астрономия моҳияти» асарига шарҳ». Бу охирги асарни 1993 йил П. Г. Булгаков Тошкентда рус тилида нашр этди.

Али Қушчининг «Арифметика ҳақида рисола», «Астрономия ҳақида рисола» «Ойсимон шакл ҳали ҳақида рисола», «Муҳаммадия рисоласи», «Фатҳия рисоласи», «Зижи Кўрагоний шарҳи» асарлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларига машҳур. Кўпчилиги Туркияда чоп этилган. Али Қушчининг «Астрономия рисоласи» Тошкентда И. М. Мўминов таҳрири остида 1968 йили, А. У. Усмонов нашрга тайёрлаган нусхаси Самарқандда 1970 йили чоп этилди.

БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Одам ва жамият табиатда яшар экан, Қуёш ҳароратидан, умуман, осмоннинг ҳар хил манзарасига боғлиқ муносабатларидан оқилона фойдаланиш Улуғбек академиясининг асосий мақсади бўлган. Самовий жисмлар ҳаракатини кузатиш, олинган рақамларни ҳисоб-китобга айлантириш, риёзий ва мантиқий фикрлаш, ниҳоят, илмий хулоса чиқармоқ ва амалий тавсия бермоқ — билиш жараёнини ифодалаган.

Улуғбекда билиш жараёнининг мазмуни қуйидагилардан таркиб топган: 1) фикрлаш учун кузатиш, кузатиш учун фикрлаш керак: нима кузатилади, кузатувчи қандай бўлиши керак, расадхона қандай бўлиши лозим; 2) координата тизимига тегишли масалаларни ҳал қилиш; 3) вақт бирлигини қабул қилиш ва ҳукм суриб келаётган йиллик жадвал тизимларига қиёсий назар ташлаш ва уларнинг бир-бирига ўтиш қонуниятларини аниқлаш; 4) тушунчаларни аниқлаш; меридиан, экватор, эклиптика, толи, матоли, мамар, матоли тлу, матоли толи махфуз ва бошқалар; 5) тадқиқ усуллари: кузатиш, тажриба, тадрижий яқинлашиш, интерполяция, индукция-дедукция, анализ-синтез, тарихийлик-мантиқийлик, қиёсий; 6) ёритгичлар координаталарини аниқлаш, меридиан чизиқларини ўтказиш усуллари, ер сиртидаги исталган нуқта узунламаси ва кенгламасини аниқлаш, юлдузлар ҳамда планеталар оралиғини ўлчаш; 7) қонуният шакллари: жадвал, каталог, тригонометрик функциялар, тенгламалар, доимийлик ва ўзгарувчанлик.

ИЛМИЙ МЕРОСНИ ДУНЁ ЎРГАНДИ

«Зижи Кўрагоний» Улуғбек вафотидан сўнг кўп ўтмай, Оврўпо маданий дунёсига кириб борди. Хусусан, 1643 йили Оксфорд университети асарнинг Ж. Гривс тайёрлаган нусхасини нашр этди. Польшада 1690 йили астроном Ян Гевелийнинг лотин тилида нашр этилган «Юлдузлар осмонининг атласи» асарида Улуғбек ижодига катта ўрин берилган. Шунингдек, Улуғбекнинг илмий меросини ниҳоятда шарқшуноси Т. Хайд (XVII аср), француз астрономлари Ж. Деламбр (XVIII аср), Л. Седийо (XIX аср), немис астрономи К. Петерс (XIX аср), кейинчалик немис шарқшуноси К. Броккельман (1868—1956) ва бошқа оврўполик йирик олимлар атрофлича ўргандилар, зижни эса турли тилларда ва Оврўпо ҳамда Америка қитъаларининг турли шаҳарларида чоп этдилар.

Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Оврўпо мамлакатларининг кўп олимлари Улуғбекнинг тадқиқот усулларидан фойдаланди-лар, унинг расадхонасига ўхшатиб расадхоналар қурдилар.

Улуғбек яшаган давр, унинг илмий ва маданий меросини бизнинг асримизнинг бошларида В. В. Бартольд шарқшунос сифатида баракали ўрганди, В. Л. Вяткин 1908 йили Улуғбек расадхонаси харобаларини топди ва археологик қазилма ишларини олиб борди. Асримизнинг ўрталарида Т. Н. Қори-Ниёзий Улуғбек меросини ўрганишга фаол киришди.

Т. Н. Қори-Ниёзийнинг «Астрономическая школа Улуғбека» монографияси 1950 йили Москвада нашр этилди, ўзбек тилидаги — «Улуғбек ва унинг илмий мероси» Тошкентда 1971 йили нашр этилди.

● Саҳифа материалларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Табиий ва техника тарихи ҳам фалсафаси кенгаши раисининг муовини, профессор Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Биласанки, сирга қиммат, не қилай ахир хотин,
Қулоғингга тақиб қўяй, узумларнинг новвотин...

Суратни Владимир МОЛГАЧЕВ олган.

• Қизиқ гаплар

ЧИНГИЗХОННИНГ СИРЛИ ҒОРИ

Кўпгина америкаликлар ҳамюртлари Мори Кравицнинг башоратидан ҳайратга тушдилар. Гап шундаки, у ер юзидаги энг йирик сирли ғорининг қаердалигини маълум қилмоқчи. Башоратчининг гапларига қараганда, у мўғулларнинг буюк саркардаси Чингизхондан қолган катта бойлик қаерга яширилганлигини аниқ билар экан. Чингизхон 1227 йили олам-дан ўтган бўлишига қарамай, ундан қолган «мерос» катта бойлик келтириши мумкинлиги маълум бўляпти.

Кравиц Чикаго шаҳридаги хом-ашё маҳсулот биржасида брокерлик қилади. У келаси йили Мўғулистонга сафар қилишни мўлжалламоқда. Кравиц Чингизхон қабри қаерда эканлигини ҳам аниқ билар экан. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса унинг омади келди, деяверинг. Чунки саркарда қабри ва у яширган бойликнинг сирли бўлиб қолиши учун 2800 киши жонини фидо қилган.

Маълум бўлишича, Чингизхон ўлимидан кейин 800 нафар жангчи саркарданинг қабри билан боғлиқ ишларга алоқаси бўлган 2000 хизматчини йўқ қилишган. Жангчиларнинг ўзларини ҳам вақти келиб «тинчитишган». Шундай қилиб, Чингизхоннинг қаерга кўмилгани бир умрга сирли бўлиб қолган. Зеро, мутахассислар Кравицнинг башоратига ишонқирамай қарашмоқда. Борди-ю Чингизхоннинг бойлиги топилгудай бўлса, унинг маълум қисми Мўғулистон давлатига, қолгани Кравицга тегиб, у жаҳондаги энг бадавлат кишилардан бирига айланиши мумкин экан.

ҚУМ СОҲИЛНИ ЁҚТИРГАН ТИЛЛА ҚЎНҒИЗЛАР

Буюк Британия қум соҳилларида, одамлар гавжум жойларда, ҳатто шаҳар ичкарисида ҳам қип-қизил, ялтироқ, қора холли тиллақўнғизлар кўпайиб қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги 18 йил мобайнида бундай ҳолат юз бермаган экан.

Бир қарашда кўзни қувонтирувчи тиллақўнғизлар кўпайгандан кейин қум соҳилда роҳат қилиб дам олишнинг иложи бўлмай қолди. Одамлар чўмилишни ҳам йиғиштириб қўймоқдалар. Соҳилдан умидини узолмаётганларга эса маҳаллий ҳокимият кўнғизларга қарши муҳофаза баллонлари беришни лозим топди. Бу орада, журналистларнинг ови юришиб қолди: улар тиллақўнғиз билан боғлиқ воқеаларни ёзишдан чарчамаяптилар. Айни пайтда боғбонлар ташвишга тушишмоқда.

ТОВУСНИНГ КАЙФИ ОШГАНДА...

Сайроқилар орасида булбулнинг навосига етадигани бўлмаса керак. Қолган қушу-парранда-ларнинг «хирғойиси» дам ўтмай ғашга тегиши табиий. Нортумберленд яқинидаги Хоксли қишлоғида қизиқ воқеа юз берди. Қушлар орасида энг нафис ва гўзал ҳисобланган товуснинг сайраши ҳамманинг жонига тегди.

Аёнки патларини ёйиб турган товусдан завқланиб турганингизда, бир бор сайраб қолса борми, қўл силтаб кетаверасиз. Зеро, бу қишлоқдаги товус шундай сайроқи чиқиб қолдики, одамлар қандай бўлмасин унинг овозини ўчириш пайига тушдилар. Ўйлаб-ўйлаб бир халта донни винога бўктириб, товусга рўбарў қилишди. Лекин улар янглишган эдилар. Сал кайф қилган қуш овозини пасайтириш ўрнига чунонам сайрашга зўр берди-ки, одамлар қулоқларига пахта тиқиб юрадиган бўлишди. Иложсизликдан товусни ушлаб қоронғу қафасга қамадилар... Роса уйқуга тўйган қуш эрталаб жимгина аслига қайтгани маълум бўлди.

СПОРТ

РУСТАМНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

● Ўн тўрт ёшли иқтидорли шахматчимиз Рустам Қосимжонов байрам арафасида ажойиб ғалабага эришди.

Унинг август ойида омади келди. Боиси, Венгриянинг Сегед шаҳрида ўтказилган ёшлар жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритгач, Рустам Катар мамлакатига йўл олган эди. Доха шаҳрида ўтказилган Осиё ёшлар чемпионатида у ажойиб муваффақиятга эришди. 16 шахматчи орасида 7 имкониятдан 5 очко тўплаб, Осиё чемпиони бўлди.

ФУТБОЛ БАЙРАМИ

● Бугун «Пахтакор» марказий ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашади. Бу ерда «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақаси ўтказилади.

Мухлислар бу мусобақага катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Чунки яшил майдонда Голландиянинг «Витесс» ҳамда НЕК жамоалари, шунингдек, республика миллий терма жамоаси, Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўзаро куч синашадилар. Бор-йўғи 4 соатча давом этадиган қизғин баҳсда бош соврин соҳиби аниқланади. «Миконд» заводи усталари биллур совринни нафис ва бежирим бўлишига аҳамият беришган. Тошкент чиннисозлари эса алоҳида совға ҳозирлашмоқда. Турнирнинг ўзига хос футбол байрамига айланиши кутиляпти. Чунки учрашувлар олдидан таниқли хонандалардан Юлдуз Усмонова, Ғуломжон Ёқубов, Кумуш Раззоқова ва Нуриддин Ҳайдаровлар янги концерт номерлари билан томошабинларни мамнун этишга чоғланишган.

ҚЎШ ҒАЛАБА

● Мамлакатимиз шахматчилари байрам арафасида ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар.

Рязань шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда чиройлик Сайдали Йўлдошев 156 шахматчи орасида 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаб, ғалаба қозонди. Унга Японияда ишланган телевизор ҳадя этилди. Грециянинг Эгина, Икория ва Ханья шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда эса Александр Ненашев юқори натижага эришиб, мухлисларни мамнун этди.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, Сирдарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ГУЛИСТОН ШАҲРИДА 10 СЕНТЯБРДА ўтказиладиган кўчмас мулк бўйича

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«НАВРУЗ» ЧОЙХОНАСИ

Гулистон шаҳридаги «Баҳор» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ер майдони 450 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган, бир қаватли, ертўласи бор.

Дастлабки баҳоси — 45 минг сўм.

«ШОЛИКОР» ҚАҲВАХОНАСИ

Сайхунобод туманида Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани билан чегарадош кўприк ёнида жойлашган.

1979 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, фойдали майдони 240 кв. м. 20 сотих ер майдони ҳам бор.

Дастлбаки баҳоси — 9 минг сўм.

ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ «ШОДЛИК» МАҲАЛЛАСИДА ЖОЙЛАШГАН 2-ҲАММОМ

Бир қаватли, 1988 йилда бетондан қурилган бино. Ҳаммом 110 ўринли, ўз қозонхонасига эга. 10 та душхонаси ва 4 кабинаси бор. Ҳаммом марказий канализация тизимига уланган.

Дастлабки баҳоси — 83 минг сўм.

БОЁВУТ ТУМАНИДАГИ «ЛАЗЗАТ» ЧОЙХОНАСИ

Чойхона 60 ўринли, Боёвут — Гулистон йўлидан 100 метр нарида жойлашган, 110 кв. м. майдони бор, канал қирғоғида жойлашган. Яқинида автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси бор. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, ичи манзарали ва ташқи томони мармар — безакли.

Дастлабки баҳоси — 31 минг сўм.

ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИДАГИ ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН ҲАММОМ

Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, майдони 200 кв. м. Давлат хўжалиги марказида, уй-жой биноларидан 15 метр яқинликда жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 6 минг сўм.

СИРДАРЁ ТУМАНИДАГИ «МАЛИК» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН, ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ПРОФИЛАКТОРИЙ

Объект қурилиши 1989 йилда бошланган. Сирдарё — Малик йўлидан 330 метр нарида жойлашган. Профилакторий биноси 2 қаватли, пишиқ ғиштли. Участкаси «Шўрўзак» канали билан шимолшарқ ва жануб томондан чегараланган. Ғарбий томонида коллектор ва боғ бошланади. Шифохона яқинида 1,5 минг метр чуқурликдаги минерал сув манбаи бор. Иншоотнинг шайлиги — 70 фоиз.

Дастлабки баҳоси — 350 минг сўм.

ГУЛИСТОН ТУМАНИ НАВОИЙ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММОМ

Ҳаммом 1990 йилда пишиқ ғиштдан алоҳида нақшинкорлик услубида, қўшимча хўжалик бинолари билан қурилган. Ҳаммомнинг 4 та алоҳида хонаси бор. Гулистон — Деҳқонобод йўлидан 100 метр нарида жойлашган. Ҳаммомда чойхона, боғли ер майдони бор.

Дастлабки баҳоси — 56 минг сўм.

ГУЛИСТОН ШАҲРИ МИРЗАОБОД ТУМАНИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИ

Катта ўзбек трактининг Гулистон — Янгиер бекатида 0,6 гектар майдонда жойлашган. Иншоотнинг шайлиги — 40 фоиз.

Дастлабки баҳоси — 31 минг сўм.

ГУЛИСТОН ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ»

Иншоот Анҳор кўчасидаги IV-даҳада жойлашган. Бино каркас панелли. Умумий майдони 0,30 гектар. Тармоқларга ва сувга уланиш нуқтаси 100 метр нарида. Қурилиш 1991—1992 йилларда олиб борилган. Иншоот шайлиги — 22,3 фоиз (2 босқичдан иборат).

Дастлабки баҳоси — 50 минг сўм.

Ш. РАШИДОВ ТУМАНИ «ТЕМУР МАЛИК» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММОМ

Бино бир қаватли, ғиштли, манзарали сувоқли. Марказий қозонхонадан иситилади. Марказ ва уй-жой бинолари яқинида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 4,5 минг сўм.

«СИРДАРЁ» МЕҲМОНХОНАСИ

Гулистон шаҳри марказидаги А. Навоий кўчасида жойлашган. 1972 йилда қурилган. 149 ўринли. Меҳмонхонанинг умумий майдони 2183,8 кв. м. Уй-жой майдони 1641 кв. м., номерлар сони 88 та, шу жумладан, бир ўринлиси — 37 та, икки ўринлиси 36 та, «люкс» — 4 та. Ижарага берилган ресторани бор. Сув насос станцияси, кир ювиш хонаси мавжуд. Хусусий мулк сифатида сотиб олинган «Гриль—бар», «Колокольчик» қаҳвахона — бар меҳмонхонага туташган. Меҳмонхона Гулистон шаҳар ҳокимлиги, вилоят драма театри, «Гулистон» кинотеатри, телеграф, почта, гўзаллик салони билан бир қаторда жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 800000 сўм.

Ш. РАШИДОВ ТУМАНИДАГИ Ш. РАШИДОВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИССИҚХОНА

Иншоот алоҳида, 1 гектар майдони бор. Ҳудуднинг умумий майдони 3 гектар. Подстанция, қозонхона, совуқ сув билан таъминланган. Давлат хўжалиги чеккасида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 300 минг сўм.

ДЕҲҚОНОБОД ҚИШЛОҒИДАГИ ҲАММОМ

Деҳқонобод қишлоғида ишлаб турган ҳаммом, 1960 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 324,6 кв. м. Шаҳар бозоридан 500 метр нарида жойлашган. Ҳаммом биносида сартарошхона, кассахонаси, иккита алоҳида ишхона, иккита умумий душхона, буғ хонаси бор. Ҳаммом совуқ ва иссиқ сув билан таъминланган.

Дастлабки баҳоси — 9,5 минг сўм.

МЕҲНАТОБОД ТУМАНИНИНГ «ҚАҲРАМОН» ҚИШЛОҒИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ»

Қурилиш 1984 йилда бошланган. Газ, сув ва электр тармоғи яқинида жойлашган. Бино аҳоли яшаш жойидан 100 метр, мактаб, поликлиника ва касалхонадан 300 метр нарида жойлашган. Иншоот Янгиер шаҳридан 24 км, Янгиер — Пахтаобод йўлидан 800 метр нарида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 68 минг сўм.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

(36722) 21-401; 22-846, 23-908.
(3712) 68-17-55; 68-44-56.

● МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР

Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш, ҳатто самарадорлигини оширишни ўзларича тушунадиганлар ҳам бор. Баъзилар шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсани писанд қилмайдилар. Зеро, бузоқнинг югургани сомонхонагача эканини унутмайлик.

ОҒЗИ ОШГА ЕТГАНДА...

Мирзачўл туманидаги «Янгидала» ширкат-хўжалиги нефть маҳсулотлари бўйича омбор мудири Норбой Кўбаевнинг оғзи энди ошга етганда, қоқилди. Хўжалик раҳбарлари ҳам юлдузни бечарвон урадиган мудирни топишган экан-да. 29—30 июль куни кечаси бир йўла 1719 литр ёнилғини Қозоғистонга қонунга хилоф равишда олиб кетаётганда қўлгир қўлга олинди. КамАЗ каркали, 60—71 ЧМТ номерли машинани ёллаган эгаснафс ниятига етолмай қолди.

Энди у суд олдида жавоб беради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

Ўктам ЖОБИРОВ

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси республика Телевидениесининг собиқ бош диктори, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўктам Мамажонович Жобиров узоқ давом этган касалликдан сўнг бевақт вафот этди.

У. М. Жобиров 1932 йили Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида туғилган эди. Ўрта мактабни тугатгач, 1949 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетининг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1956 йилда тугатди. 1952—59 йилларда республика радиосида диктор бўлиб ишлади. Устозларидан бу ноёб санъат сирларини ўрганди. 1959 йилда эндигина иш бошлаган Ўзбекистон Телевидениесида дикторлик фаолиятини давом эттирди. Бу ерда унинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлди. Мамлакат вилояти ва туманларига юборилган кўчма телевизион станциялар орқали кўрсатувлар тайёрлашда ўз ҳамкасблари—тележурналистлар, режиссёрлар, операторлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Айни вақтда телевидение дикторлари мактабининг асосчиларидан бири бўлди. Бугунги кунда элга танилган дикторларнинг кўпчилиги унинг шогирдларидир.

У. М. Жобировнинг қирқ йиллик меҳнати, ижодий фаолияти муносиб тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига, медаллар ва Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлган эди.

Ажойиб инсон, истеъдодли санъаткор, меҳрибон мураббий Ўктам Жобировнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанпарвар ва миллатпарвар нашрдир
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 080120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.